



«Барбаросса» режаси хақида кўпчилик эшитган бўлса керак. 1940—1941 йилларда ишлаб чиқилган ушбу режада Германиянинг собик иттифокка ҳарбий хужуми босқичма-босқич баён этилган.

Мазкур режага кўра, немис фашистлари 1942 йилнинг кишигача собик иттифокни босиб олишлари керак эди. Аммо у барбод бўлгандан сўнг, Хитлер рақибини бошқа тарафдан кучсизлантиришни мақсад қилади ва Ўрта Осиё ҳамда Афғонистон ҳудудларидаги муҳим ўчоқларда кўпуровчилик ишларини амалга ошириш, немис десантчи кучларининг Ўрта Осиёга жойлашишлари учун ҳудуд тайёрлашга қаратилган «Оркадан зарба» режасини ишлаб чиқади. Бироқ ушбу режа ҳам йўққа чиқарилади. Бунда ўзбек разведкачиси Баҳром Ироҳимовнинг хизматлари бекиёсдир.

Бу гаплар осмондан олиб гапирилаётгани йўқ. Собик иттифок, Буюк Британия ва Франциянинг Афғонистондаги элчилари талабига кўра, ҳибсга олинган Германиянинг Афғонистондаги элчиси Пилгер Москвадаги сўроқлар пайтида бу ҳақда шундай деган эди: «Афғонистонда ўзбек разведкаси немис разведкаси устидан галаба қозонди. Ойқорли (Баҳром Иброҳимов) учинчи фронт очилишини барбод қилди».

Афсонавий рус разведкачиси Рихард Зорге Баҳром Иброҳимовни хотирлаб шундай ёзади: «Бизнинг шарқий чегараларда «пўлат кўл» ишляпти. Токи у бор экан учинчи фронт харғиз очилмайди». Шу ўринда иккинчи жаҳон уруши вақтида бутун иттифок разведкачилари орасида фақат ўзбеклардангина ҳоин чиқмаган. Ватаннинг бу қаби содик фарзандлари сафининг аввалида Жиззах вилояти, Баҳмал тумани, Ўсмак қишлоғида таваллуд топган Баҳром Иброҳимов туради.

Бу маълумотлар ўтган йиллар мобайнида нима учун сир тутилиб келганини тушунасиз, деб ўйлаймиз. Бугун уларни оммага ошқор қилиш вақти етди. Токи халқ ўзининг қахрамонларини билсин, танисин! Қуйидаги хужжатли фильмда ўзбек разведкачисининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм ижодкорлари: Абдуқарим Мирзаев, Баҳтиёр Қаримов (сценарий муаллифлари), Дилмурод Масаидов (режиссёр). Саид Абдулазиз Юсупов (гоя муаллифи ва лойиҳа раҳбари).